

## AKTUAR MOLIYA VA BUXGALTERIYA HISOBI ILMIY JURNALI

Vol. 4 Issue 10 | pp. 31-39 | ISSN: 2181-1865

Available online <https://finance.tsue.uz/index.php/afa>

### ЙЎЛ ЖАМҒАРМАСИНИНГ БОШҚАРУВ ТУЗИЛМАСИ ВА УНДАГИ МУАММОЛАР ЕЧИМИ



Пардаев Файзулла Ғаффарович

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

катта ўқитувчиси

**Аннотация:** Мамлакатда иқтисодиётнинг фаол ўсиши автомобиль йўлларининг сифати ва йўл тармоғи инфратузилмаси билан бевосита боғлиқ ҳисобланади. Йўл тармоғи ва транспорт инфратузилмасининг ривожланиши иқтисодий алоқаларнинг интенсивлигини белгилайди ва иқтисодиётни ривожлантиришнинг энг муҳим шартларидан биридир. Мазкур тадқиқот ишида умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини қуриш, таъмирлаш ва сақлаш жараёни бўйича молиялаштиришнинг ҳуқуқий асослари, шунингдек умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини инвестициявий молиялаштириш бўйича хориж тажрибалари ўрганилиб, мамлакатимизда бу борадаги мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан илмий-амалий таклифлар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** жамғарма, тузилма (структура), биринчи авлод, иккинчи авлод, қурилиш, таъмирлаш, сақлаш.

**Abstract:** The active growth of the economy is directly related to the quality of highways and the infrastructure of the road network. The development of the road network and transport infrastructure determines the intensity of economic relations and is one of the most important conditions for the development of the country's economy. In this research work, the legal basis of financing for the process of construction, repair and maintenance of public highways, as well as foreign experiences on investment financing of public highways, are studied, and scientific and practical proposals are developed to eliminate existing problems and shortcomings in this regard in our country.

**Key words:** Foundation, structure (structure), first generation, second generation, construction, repair, maintenance.

#### Кириш

Ривожланаётган давлатларда йўл соҳасини молиялаштириш миллий ёки маҳаллий бюджетдан умумий ажратмалар ҳисобидан амалга оширилади. Йўл ҳўжалиги учун бюджет маблағлари тегишли йил учун мавжуд бўлган умумий бюджетдан, шунингдек, соғлиқни сақлаш, таълим, муҳофаа ва бошқа соҳаларга ажратилаётган маблағлар қатори ажратилаётган маблағ билан бир вақтда ажратилади. Автомобил йўлларини таъмирлаш учун аксарият ҳолларда маблағ билан таъминлаш масаласи кечикади ёки тўлиқ молиялаштирилмайди, бунинг

асосий сабабларидан бири автомобиль йўллари таъмирлаш узок даврни талаб этгани боис сметага киритилган нархлар ўзгаради, инфляция даражаси таъсир этади. Бу эса йўллари сақлаш ишларининг кечикишига, йўл тармоқларининг ёмонлашишига, натижада янгидан қайта қуришга олиб келади.

Маблағларнинг камлиги ва унинг ўзгарувчанлиги муоммасини ҳал қилиш учун бутун дунё мамлакатларида йўл жамғармалари жорий қилинган. Йўл жамғармалари одатда йўл фойдаланувчиларнинг тўловларидан, мақсадли даромадлар ҳисобидан молиялаштирилади. Йўл фойдаланувчиларнинг тўловлари тўғридан - тўғри ҳаракат қатнашчилари томонидан ундириладиган солиқ ва йиғимларга тегишли бўлиб, уларга ёқилғи солиғи ёки йиғимлар, Республика ҳудудига транспорт воситаларини олиб кирганлик учун ва чет эл транспорт воситалари бошқа давлат ҳудудидан ўтгандаги бож тўловлари ҳамда бошқа шу каби йиғим ва божлар ҳисобига шаклланади. Жамғарма “фойдаланувчи тўлайди” тамойилини жорий этади, бунда йўл ҳаракати қатнашчилари ўзлари фойдаланадиган йўл тармоғидан фойдаланиш ва таъмирлашни молиялаштиради.

Гарчи йўл жамғармалари йўл қурилиши ва ободонлаштириш харажатларига ҳам ҳисса кўшиши мумкин бўлса-да, йўл фонди даромадларида бундай харажатларни қоплаш учун маблағ кўпчилик ҳолларда етарли бўлмайди. Шунинг учун йўл жамғармаси маблағлари йўл тармоғини сақлаш ва маълум даражада қайта қуриш ҳамда таъмирлашни молиялаштириш билан чегараланади. Йўл жамғармаларининг фаолияти асосан бир хиллик кўзга ташланса-да, улар қандай молиялаштирилиши ва улар томонидан молиялаштириладиган тадбирлар нуктаи назаридан вақт ўтиши билан уларнинг бошқаруви ўзгаради. Кўпинча йўл фойдаланувчилари учун тўловларни белгилашга қаратилган биринчи авлод йўл жамғармалари ва йўл жамғармасини бошқаришга кўпроқ эътибор бериладиган иккинчи авлод йўл жамғармалари билан жамғармани бошқариш фарқланади.

Биринчи авлод йўл жамғармалари кўпинча Молия вазирлигининг махсус ғазна ҳисобварақларида бўлиб, улар йўл соҳасидаги муайян тадбирларни молиялаштириш учун мўлжалланган. Ушбу йўл жамғармасининг асосий мақсади йўл фойдаланувчиларидан тушаётган даромадларни йўл соҳасига йўналтириш. Бу молиялаштириш даражаси йилдан - йилга яънада барқарор режалаштириш имконини беради. Махсус ғазна ҳисобварақлари кўпинча фойдаланилмаган маблағларни кейинги молия йилиги ўтказиш имконини беради, бу эса ишни фаслларга кўра режалаштиришни осонлаштиради ва харид ёки сотишдаги кечикишлар туфайли маблағ йўқотишларнинг олдини олади. Биринчи авлод йўл жамғармалари асосан ҳукумат қарорлари билан тартибга солинади. Йўл фойдаланувчилардан тушган даромадлар умумий бюджетнинг бир қисмини ташкил этади. Ушбу йўл жамғармаси кўпинча тўғридан - тўғри йўл тармоғини бошқариш ва йўл ишларини бажариш учун маъсул бўлган давлат идораси ёки йўл агентлиги томонидан бошқарилади. Маблағлардан фойдаланиш ҳисобот ва бухгалтерия талаблари билан давлат молиявий тартиб қоидаларига бўйсинади. Мустақил молиявий аудит камдан - кам ўтказилади ва бажарилаётган ишларнинг сифат ва миқдори техник аудити томонидан ўтказилмайди.

Бу эса иккинчи авлод деб аталадиган йўл жамғармасининг яратилишига олиб келади. Ушбу авлод йўл жамғармасининг асосий мақсади даромадлардан фойдаланишда жавобгарлик ва шаффофликни оширишдан иборат. Бу кўпинча йўл хўжалигини умумий тижоратлаштириш доирасида, жамғармани бошқариш учун алоҳида ташкилот яратишни ўз ичига олади. Бу жамғармани кундалик бошқаруви бўйича котибият ва Кузатув кенгашидан иборат бўлиб, булар маблағлардан фойдаланишни тасдиқлайди ва йўл тармоғини молиялаштиришга бўлган эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда йўл фойдаланувчиларнинг мақсадли тўловлари учун қўлланиладиган ставкалар тўғрисида қарор қабул қилади. Кузатув кенгаши таркибида турли давлат органлари вакиллари, кўпинча йўл ҳаракати қатнашчиларининг вакиллари бўлади. Шундай қилиб йўл жамғармасини бошқариш йўл ишларини бажаришдан ажратилган. Йўл жамғармасини яратиш одатда қонун асосида амалга оширилади ва кўпинча йўл жамғармаси фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқий ҳужжатлар билан тўлдирилади. Мақсадли йўл фойдаланувчиларнинг баъзи тўловлари бюджетдан ташқари бўлиб, бу эса молиялаштиришни башорат қилишни таъминлайди. Ҳисобот ва бухгалтерия ҳисоби тартибларини мустаҳкамлаб, ҳар йили мустақил молиявий аудит ва мунтазам техник аудитлар ўтказиш, шунингдек аудит натижалари ҳар йили йўл жамғармасидан фойдаланиш бўйича батафсил йиллик ҳисобот билан бирга эълон қилиш, шаффофликни сезиларли даражада ошириб боришни тақоза қилади.

#### **Асосий қисм**

Бугунги кунда мамлакатнинг молиявий ҳолатини соғломлаштириш ва ривожлантириш бўйича тадбирлар асосий ўринга кўтарилмоқда. Бундай масалаларни ҳал қилишда бюджетдан ташқари давлат жамғармаларининг ўрни бениҳоя салмоқли бўлмоқда. Давлат мақсадли фондлар марказий ёки маҳаллий ҳукумат органлари тасарруфида бўлган ва мақсадли йўналтирилган молиявий воситалар йиғиндисини ифодалайди.

Мақсадли жамғармалар тизими соҳасидаги таниқли олимлардан В.Д.Роикнинг фикрича, меҳнат билан банд бўлган ҳар бир фуқаро пенсия фондига ижтимоий суғурта бадаллари тўлашлари лозим. Шунингдек, фондларнинг молиявий барқарорлигини оширишда нодавлат фондлар тизимининг муҳим аҳамият касб этиши алоҳида таъкидланган<sup>1</sup>. Мамлакатимиз иқтисодчи-олимларидан Доц. Д.Рустамов томонидан пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш масалалари тадқиқ қилинган ва бу борада илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган бўлиб ушбу асосларни ва таклифларни бошқа мақсадли жамғармаларни ривожлантиришда ҳам фойдаланиш катта самара беради<sup>2</sup>. Бизнинг фикримизча ҳар бир бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар хох алоҳида далаат миқёсида шакланган хох бирор бир тузилма таркибида шакланганлигидан қатий назар улар ҳар томонлама мустақил, солиқ тўловчилар учун очиқ ва шаффоф бўлишлари шарт. Ана

<sup>1</sup>Роик В.Д. Социальное страхование в меняющемся Молиявий саводхонликия мире: каким будет выбор Россия–СПб: Питер, 2014.– С.177-236.

<sup>2</sup>Доц. Д.Рустамов Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида риск менежментидан фойдаланишнинг устувор йўналишлари.

шундагина бу жамғармаларни нафақт солиқ ва йиғимлар ҳисобидан балки маҳаллий ва халқаро миқёсда хомийлик маблағларини ҳам жалб қилишдек имкониятга эга бўламиз.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 5 июлдаги “Республика йўл жамғармасини ташкил этиш тўғрисида” ги қарорига асосан “Ўзавтойўл” концерни таркибида мустақил молия-кредит давлат муассасаси - Республика йўл жамғармаси (кейинги ўринларда қисқача РЙЖ), шунингдек, автомобиль йўллари ҳудудий давлат акционерлик бирлашмалари ва туман бошқармаларида эса - тегишли равишда вилоят ва маҳаллий йўл жамғармалари ташкил этилсин<sup>3</sup>. - деб белгиланган.

Бу жамғармалар биринчи авлод вакили сифатида ташкил этилган, яъни юридик шахс мақоми берилмасдан “Ўзавтойўл” концерни, ҳудудий бошқармалар ва туман бўлимларида оддий банк ҳисоб рақамлари сифатида очилиб жамғарма маблағлари йиғилган.

Жамғарма маблағлари жамоа ва давлат хўжаликлари, корпоративлар, транспорт, қурилиш, кичик саноат, қўшма корхоналар ва бошқа ташкилотларнинг жорий йилда маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий ҳажмидан, тайёрлов, савдо корхоналари ва ташкилотларининг, таъминот сотиш ташкилотларининг, тижорат банкларининг жорий йилда ҳақиқий даромадининг бир фоизи миқдориди;

Автомобиль транспортга эга бўлган барча корхоналар ва ташкилотларнинг автомобиль транспортдан ва автотранспорт воситаларидан фойдаланишдан олган даромадларининг икки фоизи миқдориди ажратмалар:

Енгил автомашиналар сотиш қийматининг 5 фоизи ҳамда юк автомобилларни ва автобусларни сотиш қийматининг 10 фоизи миқдориди:

“Ўзавтойўл” концерни корхоналари ва ташкилотлари мол-мулкни сотиб олишдан бюджетга тушуши керак бўлган маблағлар умумий суммасининг 50 фоизи миқдориди жамғарма маблағлари шаклланди<sup>4</sup>.

Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари лойиҳалаш, қуриш, қайта қуриш, таъмирлаш ва сақлаш ишларини маблағ билан таъминлаш “Автомобиль йўллари тўғрисида” Қонунининг 13 моддасига мувофиқ, ушбу жамғарма маблағлари ҳисобидан амалга оширилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003-йил 19 августдаги “Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари қуриш ва улардан фойдаланишни бошқариш тизимини такомиллаштириш тўғрисида” ги ПФ-3292-сон фармони билан “Ўзавтойўл” давлат акциядорлик концернини “Ўзавтойўл” давлат акциядорлик компанияси (ДАК) этиб қайта ташкил этилди ва йўл хўжалиги бошқариш тизимасидаги Республика, вилоят ва маҳаллий йўл жамғармалари тугатилиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида Республика йўл жамғармаси (РЙЖ) ташкил этилди<sup>5</sup>. Шу билан


<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори “Республика йўл жамғармасини ташкил этиш тўғрисида” Тошкент ш., 1993 йил 5 июль 334- сон.

<sup>4</sup> Республика йўл жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тўғрисида низом. Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 5 июлдаги 334- сон қарори 1- илова.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони “Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари қуриш ва улардан фойдаланишни бошқариш тизимини такомиллаштириш тўғрисида” Тошкент ш., 2003 йил 19 август, ПФ-3292- сон.

бирга жамғармани бошқариш кенгаши тузилди. Республика йўл жамғармаси маблағларидан қонуний ва мақсадли фойдаланишни назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси бошқариш кенгашига юкланди. Ушбу жамғарма иккинчи авлод вакили сифатида ташкил этилди, яъни алоҳида юридик шахс мақоми берилди ва тегишли вазирлик ҳамда қўмиталар вакиллари иштирокида қузатув кенгаши тузилди.

Жамғарманинг вазифалари этиб, маблағлар тушуми ва сарфининг йиллик, чораклик ҳисоботларини шакллантириш, йўл хўжалиги объектларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва жихозлашнинг рўйхатларини шакллантириш, умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш, жихозлашларни тасдиқланган харажатлар бўйича молиялаштиришни амалга оширишдан иборат.



Манба: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 3292- сон фармони асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

**1-расм: Республика йўл жамғармасининг бошқарув тузилмаси (2017 йилгача)**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 февралдаги “Йўл хўжалиги тизимини бошқаришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ № 4954 сон фармони билан Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси (РЎЖ) Вазирлар Маҳкамаси бўйсинувига ўтказилди<sup>6</sup>. Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар ва йиғимлар, умумдават солиқлари ва бошқа мажбурий йиғимлардан маблағлар йиғилади. Жамғарманинг

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони “Йўл хўжалиги бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Тошкент ш., 2017 йил 14 февраль ПФ-4954- сон.

вазифалари маблағлар тушуми ва сарфининг йиллик, чораклик ҳисоботларини шакллантириш, йўл хўжалиги объектларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва жиҳозлашнинг рўйхатларини шакллантириш, умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш, жиҳозлашларни тасдиқланган харажатлар бўйича молиялаштиришни амалга оширишдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ № 4086- сон қарорига асосан, Давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар бекор қилинди ва айрим жамғармалар тугатилди, айримларида илгари бажариб келинган функцияларига ўзгартириш киритилди. Шундан, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси тасарруфига ўтказилди. Йўл хўжалиги соҳасидаги қурилиш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича манзилли дастурларни молиялаштириш ва келишиш, шунингдек, автомобиль йўлларида фойдаланиш ва сақлаш бўйича харажатларни молиялаштириш Молия вазирлиги зиммасига юклатилди.

Автомобиль йўллари қўмитаси ҳузуридаги “Автоўливест” агентлиги Республика йўл жамғармасининг ҳуқуқий вориси бўлиб, йўл хўжалигида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича ижроия органи функцияларини бажарувчи этиб белгиланди. Яъни халқаро молия институтлари ва хорижий давлат молия институтлари иштирокида лойиҳалар бўйича бажарилаётган қурилиш - таъмирлаш ишларининг бажарилиши бўйича масъул. Бироқ, “Автоўливест” энди ўзидан олдинги Республика йўл жамғармаси каби йўл соҳасини ички молиялаштиришда иштирок этмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 декабрдаги ПФ № 5890- сон фармонида асосан, лойиҳалаш йўл-қурилиш ишлари, шунингдек, умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш ҳамда эксплуатация ишларини молиялаштириш учун йўналтириладиган маблағларни тўплаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида Автомобиль йўлларини ривожлантириш мақсадли жамғармаси ҳамда шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктлари кўчаларида, хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўлларида (кейинги ўринларда — минтақавий йўллар) лойиҳалаш, йўл-қурилиш, таъмирлаш ва эксплуатация ишларини молиялаштириш учун йўналтириладиган маблағларни тўплаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги молия бош бошқармалари таркибида автомобиль йўлларини ривожлантириш ҳудудий мақсадли жамғармалари ташкил этилсин<sup>7</sup>.- деб кўрсатилган.

Ушбу жамғарма биринчи ва иккинчи авлод йўл жамғармасидан фарқли равишда, юридик шахс мақомига эга бўлмасдан Молия вазирлиги ҳузурида бош

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони “Ўзбекистон Республикаси йўл хўжалиги тизимини чуқур ислоҳ қилиш чора - тадбирлари тўғрисида” Тошкент ш., 2019 йил 9 декабрь ПФ-5890- сон.

бошқарма томонидан режалаштириш ва молиялаштириш ишларини амалга ошириб келмоқда.



Манба: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5890- сон фармони асосида муаллиф томонидан тайёрланди

2-расм: Республика йўл жамғармасининг бошқарув тузилмаси (2019 йилдан Ўзбекистон Республикаси)

Молия вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўлларини ривожлантириш мақсадли жамғармаси маблағлари республика бюджетидан ажратиладиган мақсадли маблағлар, Ўзбекистон Республикасининг тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан ажратиладиган фоизсиз кредитлар ҳамда умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида жорий таъмирлаш ва эксплуатация ишларини молиялаштириш учун Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг маҳаллий бюджетларидан ажратиладиган мақсадли маблағлар ҳисобига шаклланади ва умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини лойihalаштириш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш, жиҳозлаш, корхоналарни модернизация қилиш ҳамда сақлаш, қишки қаров, кўкаламзорлаштириш, табиий офатларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этишга, Автомобиль йўллари қўмитаси ва бош бошқармаларини сақлаш ишларига сарфланади.

Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги молия бош бошқармалари таркибидаги

автомобиль йўллари ривожлантириш жамғармалари маблағлари минтақавий йўлларда йўл қурилиш, таъмирлаш ва эксплуатация ишларини молиялаштириш учун маҳаллий бюджетлардан ажратилган мақсадли маблағлар, маҳаллий ҳокимликлар томонидан жорий этиладиган йиғимлар, автомобиль йўллари ва кўчалари бўйлаб автомобиль сақлаш жойларидан фойдаланганлик учун тўловлар, транспорт воситаларини техник кўриқдан ўтказиш учун йиғимнинг базавий ставкасига қўшимча коэффицентларни қўллашдан тушадиган маблағлар ҳамда Молия вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари ривожлантириш мақсадли жамғармасидан трансфертлар ҳисобига шаклланади ва минтақавий йўлларни лойихалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари билан боғлиқ харажатларга сарфланади.

## ХУЛОСА

Биринчи авлод йўл жамғармасининг кўпчилиги сиёсий аралашув ва маблағлардан самарасиз фойдаланишга олиб келинади, бундан ташқари ҳисобдорлик ва шаффофлик тўлиқ таъминланмайди. Иккинчи авлод йўл жамғармаларида котибият ва кенгаш жамғармани молиявий бошқариш учун маъсул бўлиб, техник таъминлаш маъсулияти эса йўл агентлигида қолади. Маъсулиятнинг бундай тақсимланиши муваффақиятли йўл жамғармасининг муҳим жиҳати ҳисобланади. Йўл жамғармасининг иккинчи авлодида, кенгашлар ҳолатни яхшилаш учун вазирликлар ва маҳаллий давлат ҳокимият органлари, шунингдек, йўл ҳаракатидан фойдаланувчи муҳим ташкилотлар вакиллари қўшимча жалб этиш орқали жамғарманинг эҳтиёжлари ва устиворликларини тўғри акс эттирилишини таъминлашга интилади.

Молия вазирлиги ёки бевосита Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида мустақил, юридик шахс сифатида йўл жамғармаси котибиятини ташкил этиш тавсия этилади. Бу ҳукумат учун мақбул бўлмаган тақдирда, йўл жамғармасини бошқариш йўл агентлиги ёки вазирлик томонидан эмас, балки тўғридан-тўғри Молия вазирлиги томонидан амалга оширилиши керак, бу эса йўл жамғармасини молиявий бошқариш ва техник бошқарув ўртасида ишларни режалаштириш ва бажаришни аниқ ажратишни таъминлайди. Йиллик иш режалари, мавжуд молиялаштириш билан боғланган чорраҳа ҳосил қилади, гарчи ушбу режалар келишилган техник ва молиявий тартиб-қоидаларга мувофиқ йўл агентлиги томонидан тайёрланиши ва ушбу тартибларга риоя этилишини таъминлаш учун йўл жамғармаси котибияти томонидан кўриб чиқилиши мумкин бўлсада, иш режаларни якуний тасдиқлашда йўл жамғармаси кенгаши иккала томоннинг вакили бўлган давлат ва йўл фойдаланувчилари иштирок этиши керак. Шу сабабли Республикамизда ҳам иккинчи авлод йўл жамғармасини бошқариш тизимига ўтилиши, яъни жамғарма алоҳида юридик шахс сифатида ташкил этилиши, иш режалари кенгаш томонидан тасдиқланиши ҳамда маблағларнинг сарфланиши кенгаш томонидан назорат қилиб борилиши мақсадга мувофиқ саналади.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

#### I. Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар



1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори “Республика йўл жамғармасини ташкил этиш тўғрисида” Тошкент ш., 1993 йил 5 июль 334- сон.
2. Республика йўл жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тўғрисида низом. Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 5 июлдаги 334- сон қарори 1- илова
3. Ўзбекистон Республикасининг қонуни “Автомобиль йўллари тўғрисида” Тошкент ш. 2007 йил 2 октябрь ЎРҚ -117- сон
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони “Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари қуриш ва улардан фойдаланишни бошқариш тизимини такомиллаштириш тўғрисида” Тошкент ш., 2003 йил 19 август, ПФ-3292- сон
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори “ЎЗАВТОЙЎЛ” давлат - акциядорлик компанияси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида”. Тошкент ш., 2003 йил 21 август, 361- сон
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони “Йўл хўжалиги бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора- тадбирлари тўғрисида” Тошкент ш., 2017 йил 14 февраль ПФ-4954- сон
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози ва давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида” Тошкент ш., 2018 йил 26 декабрь. ПҚ-4086-сон
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони “Ўзбекистон Республикаси йўл хўжалиги тизимини чуқур ислох қилиш чора - тадбирлари тўғрисида” Тошкент ш., 2019 йил 9 декабрь ПФ-5890- сон

## II. Адабиёт ва ўқув ишланмалар.

1. Сирожиддинова З. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими. Ўқув қўлланма. - Т.; infoCOM.UZ.2010
2. Ваҳабов А. Бозор муносабатлари тизимида иқтисодий фондлар.- Т.; Шарқ. 2003. № 7, 117-б.
3. Роик В.Д. Социальное страхование в меняющемся мире: каким будет выбор Россия–СПб: Питер, 2014.–С.177-236.
4. Доц. Д.Рустамов Иқтисодийни модернизациялаш шароитида риск менежментидан фойдаланишнинг устувор йўналишлари.

Copyright: © 2024 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution- 4.0 International License (CC - BY 4.0)

